

## ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ ОМИЛЛАР ВА УНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ РОЛИ

*Мамаюнус Қаршибаневич Пардаев*

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

*Озода Мамаюнусовна Пардаева*

ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.

**Аннотация:** мақолада асосий эътибор инсон капиталининг таркиби ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини узлуксиз таъминлаб бориши, жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлашда инсон капиталининг ўрни, янги таълим технологиялари, онлайн курслар, веб-дарслар, таълимнинг интерактив ва инновацион техникаларидан фойдаланиши орқали ўз билим ва малакаларини оширишига катта эътибор бериши лозимлиги бўйича муллифлар фикрлари билдирилган.

**Ключевые слова:** эҳтиёж, табиий ресурслар, қурғоқчилик, инсон капитали, ривожланиши стратегияси, олий таълим, networking, дуал таълим, касбий ривожланиши, таълим сифати.

**Кириш. Мавзунинг долзарблиги.** XX-асрга келиб, дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши анча кескинлашди ва бу XXI-асрга келиб янада тезлашиб бормоқда. Бу ўз навбатида уларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Чунки ҳар бир инсон истеъмол қилиши лозим бўлади. Бу инсонларнинг эҳтиёжларни қондиришни тақозо қиласди. Бунинг учун эса асосан табиий ресурслардан фойдаланилади. Ҳозирги пайтда ресурслар чекланган шароитида ушбу муаммони ҳал қилиш ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Бунинг асосий манбаи бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланилмаслик бундан ҳам катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Маълумки, ҳозирги пайтда табиий иқлиминг бузилиши, атмосферанинг ифлосланилиши, курғончилик каби муаммолар юзага келмоқда. Ушбу ҳолат мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий аҳволига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг олдини олиш мақсадида дунё бўйлаб кўплаб тадбирлар олиб борилмоқда. Шулардан бири Инсон капиталини ривожлантиришdir.

Инсон капиталининг асосий элементлари бўлиб таълим натижасида эришилган билим даражаси, саломатлиги, табиий иқтидори, тажрибаси асосида шаклланган қобилияти, малакаси ҳисобланади. Агар инсонда шу фазилатлар жам бўлса, ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларга илмий ва ҳаётий жиҳатдан тўғри ва тўлиқ баҳо бера оладиган, таҳлилий фикрлайдиган, ижодкор даражасида бўлади. Бундай капиталга эга бўлган мамлакат барқарор ривожланадиган, рақобатбардош бўлади. Шу туфайли бугунги кунда инсон капиталининг такомиллашувига бутун дунёда катта аҳамият берилмоқда. Чунки инсон капитали етарли бўлган давлатда янги технологиялар, бошқарувнинг илгор усуллари каби инновацион ғоялар эвазига ривожланишининг муҳим омиллари шакллантирилади. Шу туфайли дунёning ривожланган мамлакатларида таълимимга катта аҳамият берилади, давлат бюджетининг солмоқли қисмини ушбу соҳга ажратишади. Жумладан, Швецария ўз бюджетининг 20 фоизини шу таълим соҳасига ажратади. Шу туфайли дунё рейтингида мазкр мамлакатнинг ўрни жуда баланд. Мамлакатимизда ҳам инсон капиталига катта аҳамият берилмоқда. Бироқ бизда ўзимизга хос жиҳатлар мавжуд. Шу туфайли инсон капиталининг шаклланишидаги муҳим омиллар ва унинг жамият ривожидаги ролини ўзимизга хос тарзда очиб берини мақсад қилиб қўйдик. Шу жиҳатдан мазкур мақола ўта долзарб ҳисобланади.

**Адабиётлар шархи.** Инсон капитали масаласи бўйича дунё давлатлари ва мамлакатимизда ҳам турли олимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига С.А.Дятлов, С.Фишер, Р.Дорнбуш,

Г.Қ.Абдурахманова, У.Н.Тошкенбаев, Д.Ж.Рустамов, М.Қуровонов, Ш.О.Амирқұлов, К.Шмалензи М.Қ.Пардаев, С.А.Бабаназарова, З.Б.Құзиев, Б.Ш.Усмонов, М.Қ.Қодиров, Ж.Д.Әлтазаров, Ф.Жониев, Ш.Г.Акрамова, Ҳ.Н.Очилова кабиларни киритиш мүмкін. Муаллифларнинг ушбу асарларида инсон капиталининг моҳияти, мазмуни, шаклланиш босқичлари, уни такомиллаштириш бўйича тегишли омиллар қараб чиқилган. Аммо инсон капиталида мужассам бўлган фазилатлар, уларнинг жамият ривожланишидаги ўрни ва роли етарли даражада очиб берилмаган. Шу туфайли мазкур ишнинг мавзуси бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Зеро, инсон капиталида мужассам бўлган фазилатлар жамиятнинг нафақат иқтисодий, балки маънавий мухитини ҳам ўз ичига олади.

**Тадқиқот методологияси.** Инсон капиталида мужассам бўлган фазилатлар, уларнинг жамият ривожланишидаги ўрни ва роли қараб чиқиш жараёнида макон ва замон, миқдор ва сифат таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усуслари масалалардан ҳам фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Инсон капиталининг ривожланишига қаратилган масалалар “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатдаги асосий эътибор таълим, илм-фанни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, касбга ўқитиши, кадрлар малакасини ошириш, инновацион технологияларни яратишга қаратилган ғояларни кўллаб-қувватлаш, бу борада хорижий тажрибалардан ҳам кенг фойдаланиш каби масалалар ўз аксини топган. Айрим масалалар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги даражаси бироз камроқ. Жумладан, ҳар миллион аҳолига тўғри келадиган олимлар сони Корея Республикасида 10048 нафар, Германияда 7538 нафар, Хитойда 1235 нафарни ташкил қилиган бир паллада Ўзбекистонда 980 нафарга teng. Бу ҳам кўрсатиб турибдики, бу борада ҳали қиласидиган ишларимиз анчагина. Зеро, инсон капитали жамиятда ижтимоий адолат ва иқтисодий ўсишни таъминлайдиган инсонларга энг кўп ва самаралироқ инвестицияларни жалб қилишга қаратилган ташаббусдир.

Бундай ҳолатни инобатга олиб, Жаҳон банки инсон капиталини ривожлантиришни глобал ривожланиш стратегиясининг асоси қилиб белгилаб қўйди. Замонавий иқтисодиётда мамлакатнинг миллий бойлиги таркибига кирувчи инсон капитали Ялпи ички маҳсулотни яратишда муҳим рол ўйнайди. Инсон капитали шахс томонидан тўпланган, у ўз касбий фаолиятида фойдаланадиган соғлик, билим, қўнинма ва қобилияtlар захирасидан иборат бойлик ҳисобланади. Инсон капитали сифатининг ошиши шунга мос равишда меҳнат унумдорлиги ва инсон даромадининг ошишига олиб келади.

Инсон капитали эвазига ривожланаётган мамлакатларда асосий эътибор инсоннинг қадр қимматининг юксалишига қаратилганлиги билан ифодаланади. Бунда ҳар бир мамлакат, энг аввало, ўз халқининг саломатлиги ва таълимими яхшилашга қаратилганлигига намоён бўлмоқда. Жумладан, иккинчи Жаҳон уруши тутаганидан кейин энг катта талофат кўрган мамлакатлардан бири бўлган Япония, Жанубий Корея ва ўша пайтларда қалоқ бўлган Хитой каби давлатлар қашшоқликдан чиқиш учун айнан ўз халқининг саломатлиги ва таълимими яхшилашга қаратилган тадбирларга асосий эътиборни қаратган. Натижада бугунги кунда ушбу давлатлар дунёдаги глобал иқтисодиётнинг энг кучли иштирокчиларига айланди. Бугунги кунда малакатимизда ҳам ушбу стратегиядан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар йили Жаҳон банки таълим ва соғлиқни сақлаш ресурсларининг аҳамиятига қараб, инсон капитали индекслари харитасини эълон қилиб келмоқда. Бунда дунё миқёсида таълим ва соғлиқни сақлаш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, фаровонлик ва ҳаёт сифатига уларнинг қандай таъсир кўрсатишини инобатга олинади. Инсон капитали индекси бўйича Япония 1 ўринда бўлиб, унинг миқдори 0,88 га teng, 2-ўринда Гонг Конг – 0,81, 3-ўринда Япония – 0,80, 4-ўринда Корея республикаси – 0,80 ва x.к. Ўзбекистон 57 ўринда бўлиб, индекс миқдори 0,63 ни ташкил қилади. Энг охирги 173-ўринда Нигер бўлиб, ушбу давлат индекси 0,29 ни ташкил қилади.

Қисқа вақт ичида ривожланган мамлакатларнинг аксариятида, юқори самарадорликка эришишда инсон капиталининг шаклланиши оқибатида яратилган инновация ва юқори технологияларнинг

ўрни бекиёсдир. Билимлар талаб қиласынан күп тармоқтарни, яғни таълим, соғлиқни сақлаш, тадқиқот ва ишланма ижтимоий хизматтарни құллаб қувватлаш зарур.

Инсон капиталини ривожлантириш учун бир нечта амаллар ва тадбирлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу ўз ичига қуйидаги йўналишларга эга бўлган жараёнларни қамраб олади:

- ҳар бир инсон ўзини такомиллаштириши лозим;
- таълим сифати ва самарадорлигини узлуксиз ошириб боришга эришиш ҳам мақсадга мувофиқ;
- таълимни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий мухитни яратиш ва ундан самарали фойдаланиш

**1 – ЙЎНАЛИШ.** Инсон капиталини такомиллаштиришда ҳар бир инсон ўзини такомиллаштириши лозим. Инсон капитали учун ҳамма шароит яратилган шароитда ҳам шахсда қизиқиши бўлмаса, у ўзини такомиллаштиришга киришмаса, ўзининг билимдон бўлиши ва такомиллашуви жуда мураккаб. Шу туфайли ҳар бир инсон ўзини ўзи такомиллаштиришга масъул бўлишлиги лозим. Шундагина ўкув жараёни, яратилган тегишли шароит, фаолияти билан боғлиқ маҳоратларларининг ошиб бориши, шахсий ривожланиш каби жараёнлар қамраб олинади. Қуйида уларнинг баъзиларига эътиборингизни қаратмоқчимиз:

**Биринчидан,** инсон капиталини такомиллаштирадиган мухим омил **таълимга** эътиборни кучайтиришни талаб қиласи. Инсон ўзини ўзи бошкара оладиган даражада бўлмаса, шу йўл билан нафсини жиловлай олмаса албатта иқтисодиётнинг ўсишига ҳам, жамоада маънавий мухитнинг барқарорлигининг таъминланишига ҳам салбий таъсир қилиб бораверади. Нафсини жиловлай олмаган киши имконият топган жойдан ўз манфаати учун ўзлаштиришга киришиши жуда кўп салбий оқибатларга олиб келади. Бу коррупциянинг илдиз отишига ҳам асосий сабаблардан бири хисобланади. Бундай мухитда шаклланган инсон капитали мўрт бўлади.

**Иккинчидан,** ҳар бир инсон такомиллашган капитал даражасига эришиш учун етук ва юксак **маънавият соҳиби** бўлиши керак. Агар инсон ўзини ўзи бошкара оладиган даражада бўлмаса, шу йўл билан нафсини жиловлай олмаса албатта иқтисодиётнинг ўсишига ҳам, жамоада маънавий мухитнинг барқарорлигининг таъминланишига ҳам салбий таъсир қилиб бораверади. Нафсини жиловлай олмаган киши имконият топган жойдан ўз манфаати учун ўзлаштиришга киришиши жуда кўп салбий оқибатларга олиб келади. Бу коррупциянинг илдиз отишига ҳам асосий сабаблардан бири хисобланади. Бундай мухитда шаклланган инсон капитали мўрт бўлади.

**Учинчидан,** ҳар бир инсон ўз малакасини мунтазам равишида ошириб бориши лозим. Бу ҳар бир инсонда ўзи фаолият кўрсатаётган соҳада профессионал маҳорати ва кўнікмаларини ошириб боришини тақозо қиласи. Бунинг учун ҳар бир мутахассис ўзининг касби билан боғлиқ курсларга ўқиши, янги иш ўринларини яратишга йўналтирилган янги касбларни ўрганиш, касбий маҳоратини ривожлантириш бўйича тегишли тадбирлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

**Тўртинчидан,** ҳар бир инсон ўзининг **шахсий ривожланиши** учун ўзининг масъуллигини ошириш лозим. Бунинг учун соғлом турмуш тарзига риоя қилган ҳолда соғлигини сақлаш, жисмоний тарбия (спорт) билан мунтазам шуғулланиш, одоб-ахлоққа эътибор қаратиш, психологик тинчликни, яғни сокинликни сақлаш каби шахсий ривожланиш соҳаларига ҳам эътибор беришлиги мақсадга мувофиқ. Чунки инсон ўта малакали бўлиши мумкин, аммо у соғлом бўлмаса, ундан самарали фойдаланиш мумкин бўлмайди.

**Бешинчидан,** ҳар бир инсон ўз соҳасини такомиллаштиришга қаратилган турли **тадбирлар ва танловларда иштирок этиб бориши** ҳам мақсадга мувофиқ. Бу ҳам инсоннинг касбий маҳоратини ва билим даражасини оширилишига ёрдам берадиган мухим омиллардан биридир. Шунингдек, илмий конференцияларда иштирок этиш, турли илмий-амалий лойиҳаларда қатнашиш орқали ҳам ўз билим ва тажрибасини оширишга эришиш мумкин. Шу йўл билан мутахассис илмий қарашлари шаклланади ва амалиёт билан назариянинг уйғунлиги таъминланади.

**Олтинчидан,** ҳар бир мутахассис ўз фаолият давомида **мулоқот (networking)** усулидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир мутахассис ўз соҳасига мос инсонлар билан боғланади, улар билан мулоқот қиласи, таълимотлар ва тажрибалар алмашади. Шу йўл билан

мазкур мутахассис ўз фаолиятида янги йўналишларни очиш, ўз касбини такомиллаштириш имкониятларига ҳам эга бўлади.

**Еттинчидан**, ҳар бир мутахассис **илгор тажрибаларни ўрганиш ва уни ўз фаолиятида жорий қилиш** маҳоратига эга бўлишилиги ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки шу йўл билан улар тажрибали кишилардан маслаҳат олиш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ўзини ривожлантириш имкониятларига ҳам эга бўлади. Бу усул ҳам инсон капиталининг таккомиллашувида муҳим омил ҳисобланади. Шу тариқа иқтисодий-ижтимоий соҳанинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган кадрларга эга бўлиш мумкин.

Бу фаолиятлар инсон капиталининг такомиллашувига, унинг салоҳиятининг оширилишига ёрдам бериши мумкин, лекин ҳар бир инсоннинг шахсий қобилиятларига, мақсадларининг амалга оширилиши каби муҳитига боғлиқ. Бу сабабларга кўра, сиз ўзингиз учун энг мос ва самарали тадбирларни танлашингиз муҳим.

**2-ЙЎНАЛИШ**, инсон капиталини ривожлантириш учун **таълим сифати ва самарадорлигини узлуксиз ошириб боришига эришиш** ҳам мақсадга мувофиқ. Кўриниб турибдики, инсон капиталини ривожлантириш барча соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилса, инсон капиталининг такомиллашувидаги муҳим омиллардан бири таълим тизимининг сифати ва самарадорлигининг мунтазам равишида ошиб боришига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, таълим инсон капиталини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, шу орқали инсонлар ўз билим, малака ва кўникумаларини ошириш, янги маълумотлар олиш, шахсий ривожланиш ва қашфиётларни қилиб, тараққиётнинг янги инновацион йўлларини яратиш имкониятларини ҳам қўлга киритишилари мумкин.

Демак, таълимнинг ўрни пировард натижада барча соҳалар сингари инсон капиталининг такомиллашувида ҳам салмоқли ўринга эга. Хуллас, таълим тизимини такомиллаштириш барча муваффақиятларга эрииш учун катта омил экан. Шу тариқа инсон капиталининг шаклланишида таълимнинг ўрнини қўйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

**Биринчидан**, етук кадрларни тайёрлашда олий таълимнинг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Университет ва бошқа олий таълим муассасалари ўзларининг соҳалари бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда тегишли мавқеига эга. Ҳар бир соҳада мутахассис кадрларни тайёрлашда олий таълимнинг ўрни бекиёс. Шу туфайли мазкур соҳани ривожлантириш нафақат бугун, балки келажак учун ҳам муҳим ўрин ва аҳамиятга эга. Кадрлар ўзларининг соҳасида малакали етук мутахассис бўлиши учун албатта олий таълим соҳасида таҳсил олиши муҳимдир.

**Иккинчидан**, ҳозирги пайтда олий таълим соҳасидаги камчиликларни ҳам бартараф қилиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Чунки олий таълимда асосан назарий билимларни бериш билан чекланиб қолинмоқда. Бу билим билан кадрлар амалиётда ўз ўрнини топгунча анча вақтни йўқотишига тўғри келади. Шу туфайли таълимнинг барча боскичларида, шу жумладан олий таълимда ҳам **дуал таълим тизимини** жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу таълимда мутахассис бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий билим ва кўникуммага эга бўлади.

**Учинчидан**, кадрлардаги **касбий ривожланишга** эришиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир мутахассис ўз касбий ривожланиш учун ҳам сифатли ва зарур таълимни олиши лозим. Ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, айрим ҳолларда алоҳида тор касблар бўлади. Бунинг учун мутахассислар қисқа муддатли ўқишини ўтаб тегишли сертификат олган бўлиши лозим. Бунинг учун мамлакатимизда етарли шароит мавжуд. Бир қанча давлат ва нодавлат таълимга тегишли ўқув курслари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув марказлари ҳам фаолият олиб бормоқда. Ушбу курсларда касбга ўқитиш билан бирга кадраларнинг малакаларини ошириш учун мавжуд бўлган тажрибаларни ўқитишга эътиборни қаратиш ҳам мақсадга мувофиқ.

**Тўртинчидан**, мунтазам равишида **амалиётни такомиллаштириш тизимиға ўтиш** лозим. Чунки, дунё миқёсида тараққиёт тезлашиб бормоқда. Бу амалиётга инновацион ишланмаяларни жорий қилиш эвазига амалга оширилмоқда. Таълимнинг амалиёти, инсоннинг ўрганиш жараёнини,

амалиётнинг тақомиллашуви эса, айнан амалиётнинг ўзини тақомиллаштиришни ўз ичига олади. Бу жараёнда амалиёт бутун ўрганишлар негизини ташкил қиласди. Бу ерда амалиётнинг табиати ўрганилади ва айнан шунинг ўзи тақомиллаштирилади. Бунинг учун олий таълимда олиб борилаётган амалий дарслар аосан бевосита корхона ва ташкилотларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бунда профессор-ўқитувчиларга ҳам амалий машғулотларга қатнашиш, дарсларда амалий машғулотларни кўриш, амалий кўникмалар олиш каби йўналишларга эътибор бериш лозим бўлади.

**Бешинчидан**, мутахассисларга таълимни сингдириш учун **таълим технологияларидан самарали фойдаланиш механизмлари** ҳам ишлаб чиқилган бўлишлиги лозим. Янги таълим технологиялари, онлайн курслар, веб-дарслар, таълимнинг интерактив ва инновацион техникаларидан фойдаланиш орқали ўз билим ва малакаларини ошириш мумкин. Ушбу усул мамлакатимизда муваффақиятли жорий қилинди. Аммо ҳамма мутахассислар ушбу усуллардан самарали фойдаланиш кўникмасига эга эмас. Шу туфайли амалиётдаги кадрларнинг мазкур соҳадаги малакасига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қиласди.

**Олтинчидан**, амалий фаолият билан бирга **таълимнинг ўйғунилигини таъминлаш** тадбирларига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунда амалиётчи мутахассис ҳар куни ўзининг йўналиши бўйича янги эришилган муваффақиятларни ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бунга эришиш учун ҳозирги шароитда ҳар бир мутахассис ўзининг шахсий ахборотлар базасини яратиши мақсадга мувофиқ. Бунга соҳаси бўйича эришилган муваффақиятлар ва янгиликларни киритиб, тўплаб боради ва вақти-вақти билан бу муваффақиятларни ўз амалиётига ҳам жорий қилиб бориш кўникмасини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун амалиётнинг ўзида қўшимча таълимлардан ҳам фойдаланиш лозим бўлади.

**Еттинчидан**, мунтазам равища **тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олиш** ҳам мақсадга мувофиқ. Тажрибали ўқитувчилар асосан ўзининг юқори билим даражаси билан бирга маънавиятли ҳам бўлади. Маънавиятли ўқитувчи бир вақтнинг ўзида илм бериш билан бирга тарбиялаб ҳам боради. Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, тажрибали ўқитувчиларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, улар билан доимий равища мулоқотда бўлиш ҳар бир кадрни касбий ва маънавий ривожланишига ёрдам беради. Бунда ҳам ҳар бир мутахассисда ўрганиш ва ўзини тақомиллаштириш иштиёқи бўлиши лозимдир.

Кўриниб турибдики, инсон капиталини ривожлантиришда таълим тизими мухим роль ўйнар экан. Шу туфайли таълим соҳаси дунё миқёсида кенг тажрибага эга бўлган бир восита сингари фаол йўналиш сифатида рўйхатда туради. Таълимда аниқлик ва инновацияларни қўллаб-кувватлаш, ўз касбий ривожланиш йўли ва мақсадлари учун қатъий режа асосида фаолият кўрсатиб, инсонларга ўзларини ривожлантиришда ёрдам берадиган тизимни яратиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

**З-ЙЎНАЛИШ. Таълимни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-иктисодий мухитни яратиш ва ундан самарали фойдаланиш** мухим аҳамиятга эга. Чунки, дунё бўйлаб таълим даражаси, кўпроқ қандай таълим тизимлари ва мамлакатларнинг таълим соҳасидаги иштироқининг натижасига қараб баҳоланади. Бу даражада бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олган ҳолда ҳар бир мамлакатнинг таълим тизимининг сифатини, ўкув жараёнини ва талимни оширишга қаратилган инвестицияларини инобатга олади. Бу борада бир қанча ёндошувлар мавжуд. Дунё бўйлаб таълим даражасини тушунишда ва унга аниқ баҳо беришда қуидаги ташкилий-иктисодий мухитни ва шу билан боғлиқ кўрсаткичларни инобатга олиш лозимдир. Булар қуидагилардан иборат бўлиб, бир қанча йўналишларни ўз ичига олади. Буларга қуидагилар киради.

**Биринчидан**, таълим жараёнида аҳоли учун **миллий қониқишлилар ва тегиши мухитнинг яратилганлиги** ҳисобланади. Мамлакатлар ўртасидаги таълим даражаси кўрсаткичларидан бири миллий қониқишлилар ва мухитни ўз ичига олаши ҳам бежиз эмас экан. Чунки ҳар бир мамлакат ўзининг таълим тизими ва ташкил қилинган ўкув жараёнининг маҳаллий ва глобал мухитда қандай ўрин олганлигини кўрсатади. Маҳаллий аҳоли биринчи галда таълим тизимидан қониқишиларни ҳосил

қилсагина, унга интилиб ҳаракат қиласы. Ҳар бир ҳаракат ҳам қониқиши ҳосил қилинса бардавом бўлади. Бунинг учун шу мамлакатда тегишли муҳим яратилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, таълим жараёнида эришилган маълум самарадорлик ўқувчиларнинг натижалари билан ўлчанади. Ўқувчиларнинг мактабларда олган билимлари, тест натижалари, ўқув дастурларидан фойдаланиш ва бошқа ўқувчилар билан солиштириш орқали аниқланади. Агар ўқувчи юқори баҳо оладиган бўлса, мазкур таълим муассасида ўқув жараёнининг самарадорлиги ва таълим сифатининг юқорилигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда мактабларда яратилган муҳит битириувчилирининг олий ўқув юртларига тест орқали киришида ҳам ўз ифодасини топади. Ушбу натижа муҳим қўрсаткичлардан бирига айланди. Бу тўғри ёндошув деб ўйлаймиз.

**Учинчидан**, ўқувчилар билим даражасининг қандай бўлиши ўқитувчилардаги билим сифати ва тажрибасига ҳам боғлиқdir. Ўқитувчилардаги билим сифати ҳозирги пайтда аниқ баҳоланмайди. Факат унинг ўқувчилари қандай натижаларга эришаётганлиги билан белгиланади. Бу қўрсаткич билвосита қўрсаткичdir. Ўқитувчининг билим даражасини бевосита белгилайдиган мезонларни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Ўқитувчиларнинг малакаси, тажрибаси, ўқитиши методлари ва ўқув жараёнини бошқаришдаги маҳорати, унинг билим даражаси ва тажрибасига ҳам бевосита боғлиқ. Шундай экан юқори даражадаги малакалари ўқувчилирнинг натижалари ва унинг билим сифати бир-бирига уйғун ҳолда салоҳиятли ўқитувчи деган баҳога сазовар бўлади. Бу тегишли тарзда эътироф этилиб, уни муносиб рағбатлантириш ва тажрибаларини оммалаштириш ҳам зарурдир.

**Тўртинчидан**, бугунги кунда ҳар бир мактаб инновацион тараққиёт талабларига жавоб берадиган бўлиши ва шундай муҳитнинг яратилган бўлиши лозим. Бу **мактаблардаги мавжуд яратилган муҳит ва унинг имкониятларига боғлиқ**. Ўқув жараёнида тегишли моддий-техника таъминоти, хусусан, ахборот коммуникация технологиялари, компьютерлар билан таъминланган бўлиши лозим. Буларни ўргатадиган ўқитувчи-мураббийлар ва буларни ўрганишга иштиёқ бўлган муҳит ҳам яратилса, таълим жараёнида тегишли сифат ва самарадорликка эришиш мумкин бўлади. Шу тариқа ўқув жараёни имкониятларини таъминловчи муҳит ва инфратузилма ҳам яратилади. Шундай қилиб, ўқувчи ва ўқитувчилар учун қулайликлар, лаборатория ва кутубхона имкониятлари, таълим техникаси ва бошқа ресурсларни ўз ичига оладиган энг зарур моддий-техника базаси шаклланади. Бу таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун муҳим омил ҳисобланади.

**Бешинчидан**, барча ўқув ва шу билан боғлиқ жараёнларни тегишли тартибда молиялаштириш учун зарур миқдордаги **инвестициялар ва бошқа жалб қилинадиган маблағларнинг** етарли бўлишини ҳам тақозо қиласы. Давлат, нодавлат ва бошқа ташкилотлар (хорижий инвесторлар) томонидан таълим соҳасига қилинган инвестициялар, ўқув жараёнини ривожлантириш, яхши ўқитувчилирни жалб қилиш ва ўқув ресурсларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳар бир жараённи тегишли маблағлар билан қоплаш имкониятларини режали тарзда таъминлаб маблағларнинг етарлилик муҳитини яратиб боришни тақозо қиласы.

**Олтинчидан**, одатдагидек, таълим жараёнини қайд этиш учун тегишли **хужжатлар ва уларда ўз ифодасини топган қўрсатгичлар** бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ. Ҳозирги талабдан келиб чиқиб, таълим жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчилар учун қулай ва самарали бўлишини қўрсатувчи тадбирлар тегишли рақамлаштирилган хужжатларда ифодаланган бўлиши лозим. Бунинг учун рақамли технологиялардан фойдаланиш масаласи ва шу билан боғлиқ муҳит ўта жиддий омил ҳисобланади.

**Хулоса** қилиб айтганда, бундай қўрсаткичлар асосида қилинган тадқиқотлар ва таълим тизимларининг таҳлили ҳар йили “Дунё бўйлаб таълим даражаси”ни белгилаш индексини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бу дунё миқёсида муҳим соҳа бўйича таълим бўйича мамлакатлар даражаси қандайлигини аниқлашга хизмат қиласы. Бу индекслар орқали, мамлакатлар ўртасида таълим соҳасидаги натижаларни солиштириш, яхши таълим стандартларини таъминлаш ва дунё бўйлаб таълимнинг ривожланишини амалга оширишга асос бўлиб хизмат қиласы. Булар асосида ҳар бир

мамлакат ўзи учун тегишли стратегик йўналишлар ва стратегиялар ишлаб чиқиши имкониятига ҳам эга бўлади.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Абдурахманова Г.Қ., Рустамов Д.Ж. “Инсон капиталини ракамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари”. Монография. – Beau Bassin: “GlobeEdit” Publisher, 2020. – 127 б.,
2. Амирқулов Ш.О. Инсон капитали: шаклланиши ва ривожланиши. Инновацион технологиилар/Innovative technologies. – 2020 йил 2-сон. – 87-92 бетлар.
3. Babanazarova Sevara and Sharofiddinov Jakhongir (2022) “Study of Population Statistics (On The Example of Population Statistics of Uzbekistan)”, Indonesian Journal of Innovation Studies, 18. doi: 10.21070/ijins.v18i.663.
4. Беҳзот Тоғаев, Абдуваҳоб Умаров. Юртимизнинг ҳақиқий бойлиги инсон капиталининг аҳамияти ҳақида мулоҳазалар. // “Янги Ўзбекистон” газетаси 2024 йил 31 май.106-сон. – 5 бет.
5. Жониев Ф. Инсон капитали ва миллий қадриятлар. <https://zamin.uz/hayot-tarzi/11291-inson-kapitali-va-milliy-adriyatlar.html>.
6. Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар. Иқтисод ва Молия / Экономика и Финансы № 10, 2011 Журнал. – 53-57 бетлар.
7. Бабаназарова, Севара Абдиназаровна. "INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL." ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ 6.2 (2023).
8. Пардаев М.Қ., Пардаева Озода, Пардаев Обид. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
9. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Кўзиев З.Б., Очилова Ҳ.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиши нашриёт-матбаа уйи, - 2020. – 260 бет.
10. Пардаев М.Қ., Очилова Ҳ.Н., Бабаназарова С.А. Таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишда синергетик самара ва таълим технологияларини такомиллаштириш имкониятлари. // Таджикистан: экономика и управление (Экономические науки) 2023. ½-сон. – 131-142 бетлар.
11. Пардаев Мамаюнус, Бабаназарова Севара. Инсон капитали тушунчаси ва унинг моҳияти нимадан иборат? // <https://telegra.ph/Inson-kapitali-tushunchasining-mazmuni-va-uni-ifodalovchi-k%D1%9Ersatkichni-ani%D2%9Blash-j%D1%9Eli-09-21>.
12. Ташкенбаев У.Н. Ўзбекистонда шахс ўз салоҳиятининг неча фойиздан фойдалана олиши ҳисоблаб чиқилди. // <https://kun.uz/news/2020/10/18/ ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyating-necha-foizidan-foydalana-olishi-hisoblab-chiqildi>.
13. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннынг роли (илмий-оммабоп рисола). – Самарқанд: СамДУ, 2015. -83 Б.,
14. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/08/19/individual-oriented-education/>
15. <https://www.osp.ru/news/2021/0804/13039814>
16. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Inson\\_kapitali\\_indeksi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Inson_kapitali_indeksi).